

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ  
КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

**Хусанова Дилором Шавкатовна**



*докторант (PhD)*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси хузуридаги*

*Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар*

*институту*

*E-mail: dilorom.xusanova@rambler.ru*

*ORCID: 0000-0002-0392-3973*

**Аннотация**

Мақолада рақамлаштириш орқали саноат компанияларининг барқарор молиявий-иқтисодий ўсишини таъминлашнинг назарий асослари, ҳозирги кундаги ҳолати ва бошқарувда жорий этишнинг хориж тажрибаси ўрганилган. Саноат компанияларининг иқтисодий ўсишида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва унинг афзалликлари илмий жаҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек иқтисодиёт ўсишини таъминлашда рақамли технологияларни қўллаш ва самарадорлигини баҳолаш имкониятлари назарий жиҳатидан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, иқтисодий-молиявий барқарорлик, рақамлаштириш, рақамли технология, рақамли бизнес, сунъий интеллект, е-тижорат.

**ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ  
ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Хусанова Дилором Шавкатовна**

*докторант (PhD)*

*Институт повышения  
квалификации кадров*

*и статистических исследований  
при Государственном комитете*

*statistiki Respubliki Uzbekistan*

*E-mail: dilorom.xusanova@rambler.ru*

*ORCID: (0000-0002-0392-3973*

### **Аннотация**

В статье рассматриваются теоретические основы обеспечения устойчивого финансово-экономического развития промышленных предприятий посредством цифровизации, ее современное состояние и зарубежный опыт внедрения в управление. Также исследуются вопросы возможности использования цифровых технологий, оценивается их эффективность и преимущества в обеспечении роста стабильной экономики.

**Ключевые слова.** цифровая трансформация, экономико-финансовая стабильность, цифровизация, цифровые технологии, цифровой бизнес, искусственный интеллект, электронная коммерция.

## **PROBLEMS OF ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY**

**Khusanova Dilopom Shavkatovna**

*doctoral student (PhD)*

*Institute of higher education*

*personnel qualification*

*i statisticheskix issledovaniy*

*pri Gosudarstvennom komitete*

*statistician of the Republic of Uzbekistan*

*E-mail: dilorom.xusanova@rambler.ru*

*ORCID: 0000-0002-0392-3973*

### **Abstract**

This article discusses the theoretical foundations of ensuring sustainable financial and economic development of industrial companies through digitalization, its current state and foreign experience of implementation in management. The possibilities of using digital technologies in the economic development of industrial companies and their advantages are also scientifically investigated. They theoretically highlight the possibilities of using digital technologies and evaluating their effectiveness in ensuring the development of a stable economy.

**Keywords.** digital transformation, economic and financial stability, digitalization, digital technologies, digital business, artificial intelligence, e-commerce.

## **Кириш**

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салмоқли улушини ташкил этувчи саноат корхоналарининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бугунги кунда ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг зарур шарти рақамли технологиялардан фойдаланишдир. Ҳозирги вақтда саноат корхоналари фаолиятини рақамлаштириш мавзусига фан ва амалиётда катта эътибор қаратилмоқда. Рақамли ечимларни амалга оширишга йуналтирилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш тенденцияси ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг стратегик ва тактик режаларида, дастурлари ва ривожланиш лойиҳаларида акс этади. Ушбу соҳада юқори натижаларга эришиш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва жамият фаровонлиги ошганлигидан далолат беради.

Халқаро электрон тармоққа тайёрлик индексини таҳлил қилиш натижаларига кўра, рақамли технологиялар юқори даражада ривожланган мамлакатлар барқарор иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан яхши натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига оид қўйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт мамлакат ялпи ички маҳсулотини камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради” [1].

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан, мамлакатда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [2]. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланган.

### **Адабиётлар шарҳи**

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялар ривожланишининг омиллари ва асосий тенденциялари, шунингдек саноат компанияларини рақамлаштириш масалалари В.В. Акбердиной, У.Б. Бонвиллиана, А.В. Быстрова, О.В. Дьяченко, А.Р. Есиной, Е.В. Левченко, И.В. Манаховой, А.Г. Мокроносовларнинг ишларида ёритилган.

Маҳаллий мутахассисларнинг, жумладан, А. Абдугафаров, С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, Б.А. Бегалов, Б.К. Гайибназаров, Р.А. Дадабаевларнинг илмий тадқиқотлари рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқлари ва соҳаларида АКТдан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал қилишга бағишланган.


Бошқарувнинг янги моделларини барпо этиш ва модернизация қилиш саноат тармоқларини кенгайтириш ҳамда замонавий иқтисодиётни узлуксиз такомиллаштиришга асосланган. Сўнгги йилларда бундай ривожланиш “рақамлаштириш” тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Кўпгина муаллифлар рақамлаштиришни корхона автоматлаштиришига тегишли технологик жараён деб, нотўғри ҳисоблашади. Рақамлаштириш ўз моҳияти билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари билан боғлиқдир. Бироқ, замонавий ёндашув мавжуд жараёнларни ҳар томонлама ўрганишни ўз ичига олади. Шунинг учун рақамлаштиришнинг корхона иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга, атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга ва ишбилармонлик муносабатларни ривожлантиришга бўлган таъсирини назарий ва амалий асослаш муҳим аҳамият касб этади. Манфаатдор томонлар билан муносабатларни ривожлантириш ва баҳолаш воситалари рақамлаштиришнинг барқарор ривожланиш омили сифатида тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Рақамли трансформация – бу корхонанинг бизнес жараёнларига янги технологияларни жорий этиш усули бўлиб, рақамли технологияларидан бизнес фаолиятини ўзгартириш ва яхшилаш учун фойдаланилади. Бунинг ҳисобига унинг миқёси кенгайиб, янада самарали ва даромадлироқ бўлади. Бизнесдаги рақамли трансформация янги технологияларни қўллаш орқали миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган. Дастлаб бизнес соҳасига ижтимоий тармоқларнинг жорий этилишини инқилоб деб аташ мумкин эди. Бугун эса, бу етарли эмас бўлиб қолди. Корхоналарни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун замонавий технологиялар зарур. Бизнес юритишнинг анъанавий стратегияларидан рақамли бизнес стратегияларига инқилобий ўтиш туфайли корхона рақобатчиларга нисбатан

сезиларли устуворликларга эга бўлади. Бироқ, қатъий ҳаракат қилиш зарур. Бунда янги жараёнларнинг баъзилари тез ва самарали ишга туширилади, бошқалари эса, узоқ муддатли ўзгаришларга олиб келиши ва ҳатто қисқа хронологик масофаларда ноҳуяликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, баъзи мижозлар инновацияларни қабул қилишни истамасликлари сабабли уларни рад этишади. Бироқ рақамли трансформацияга тўғри ёндашиш ва самарали воситаларни жорий этиш корхонани «рақамлаштириш» ва унинг имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради [6].

1-чизма.

### Рақамли трансформациянинг афзаллик ва камчиликлари\*



Манба: [https://elibrary.ru/download/elibrary\\_32463364\\_79996316.pdf](https://elibrary.ru/download/elibrary_32463364_79996316.pdf)



маҳсулотлари мавжудлигининг “техно–рақамли” шаклига эътиборни қаратади, бунинг натижасида ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежаш, яъни рақамли иқтисодиёт феномени жисмоний маҳсулотларни рақамлаштириш сифатида тақдим этилади [3]. Бизнингча, бундай таърифлаш рақамли иқтисодиёт кўламини жуда чеклайди, чунки барча маҳсулотларни рақамли шаклга айлантириб бўлмайди, оддий рақамлаштириш эса рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги босқичдир.

Т.В. Ромашкиннинг сўзларига кўра, рақамли иқтисодиёт янги турдаги, шу жумладан сунъий равишда яратилган ресурсларни жалб қилиш орқали миллий иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш усули сифатида қаралади. Шу билан бирга, унинг фикрича, янги турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, янги компаниялар, иш ўринлари ва касб-хунарларни яратиш мумкин [4].

Рақамли трансформация жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бир неча ўн йиллар олдин бизнесни фақат маҳаллий даражада – газета, устунлардаги эълонлар ва ташриф қоғозларини тарқатиш кабилар орқали тарғиб қилиш мумкин эди. Кейин веб-сайтлар пайдо бўлди ва корхоналар аста-секин, бир вақтнинг ўзида телевизорда реклама бериш билан бирга рақамли маконга кира бошладилар. Бугунги кунда рақамли трансформация янги тўлқинни бошдан кечирмоқда. Сунъий интеллект фаол ривожланмоқда, машиналарни ўрганиш амалга оширилмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар**


Саноатни рақамлаштириш бугунги кунга келиб давлатлар иқтисодиётининг ўсишидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланди. 2019 йилда рақамлаштириш жаҳон иқтисодиётининг 84,3 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 35 фоизини ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда саноатни рақамлаштириш рақамли иқтисодиётнинг 86,3 фоизини ташкил қилди. Ривожланаётган мамлакатларда бу улуш 78,6 фоизни ташкил этди. Ривожланган давлатлар алоқа ва дастурий таъминот соҳасидаги энг кучли вакиллар бўлиб, улар электрон тижорат ва илғор ишлаб чиқариш билан шуғулланишни энг биринчилардан бошлаб берганлар қаторига киради [7].

Рақамлаштириш тармоқлар бўйича тақсимланиши ва бирламчи, иккиламчи ва учламчи тоифаларга ажратилиши мумкин. Фаолият турига кўра, уларни қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратиш мумкин. Рақамли трансформация хизмат кўрсатиш соҳасида бошқа икки секторга қараганда тезроқ амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатларда кўпинча рақамлаштириш ва ўсиш

кўрсаткичлари ҳар учала секторда ҳам деярли бир хил мувозанатда ортиб боради. Улар одатда янгиликларни биринчилардан бўлиб жорий этиш борасида устунликка эга бўлади ва уларда саноатни рақамлаштириш учун мустаҳкам асос бор. Бу мамлакатларда тармоқларнинг кўпчилиги рақамли технологиялардан фойдаланади, уларнинг алоқа тармоқларига уланиш фоизлари борган сари ортиб бормоқда ва улар ақлли технологиялар билан нисбатан кўпроқ таъминланган.

1-диаграмма.

**Бутун дунё бўйлаб барча дастурий таъминот  
прогнози, (2021-2025 йиллар)\***



\*Манба: – IDC2022 <https://www.idc.com/eu/events/69223-idc-european-data-intelligence-summit-2022>

IDC (америка таҳлил компанияси) прогнозларига кўра, 2023 йилга бориб жаҳон ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишининг аксарият фоизи рақамлаштирилади. 2020 йилдан 2023 йилгача рақамли трансформацияга киритиладиган тўғридан тўғри инвестициялар 6,8 трлн долларни ташкил этади [8].

Ҳозирги вақтда компанияларда рақамли трансформациянинг 1.0 моделидан 2.0 моделига ўтиши кузатилмоқда. Булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар, мобиллик ва ижтимоий тармоқ технологиялари 2007 йилдан

буён катта қизиқиш уйғотмоқда ва компаниялар бу ахборот технологияларидан вақти-вақти билан инновациялар киритиш учун фойдаланмоқда. Бу давр 1.0 модель рақамли трансформация даври бўлди.

Эндиликда рақамли трансформация йирик инновацияларни амалга оширишга ёрдам бериш билан компаниялар учун жуда катта қийматликлар яратмоқда, деб ҳисоблаймиз. Компанияларга инновацион ечимларни сезиларли даражада рағбатлантириши мумкин бўлган сунъий интеллект, IoT (Internet of things) ва блокчэйн каби янги технологиялар керак. Бу эса 2.0 рақамли трансформация даври бўлади. IDC компанияси компанияларда 2.0 рақамли трансформацияга эришиш учун тўққизта йўналишда тўғри шароитлар яратилиши кераклигини аниқлади. Бу йўналишлар рақамли инфратузилманинг келажаги, ишонч, интеллект, мижозлар ва истеъмолчилар, ишлар, операциялар, ўзаро алоқалар, рақамли инновациялар ва саноат тармоқлари билан боғлиқ.

Рақамли трансформация – бу беш босқичдан, яъни пилот, маҳаллий кенгайиш, репликация, операцияларни бошқариш, оптималлаштириш ва инновациялардан иборат узок давом этадиган жараёнدير.

2-диаграмма.

**Компаниялардаги рақамли трансформациянинг асосий йўналишлари\***



\*Манба: <https://www.idc.com/getdoc.jsp?containerId=US48312921>

Рақамли трансформацияни бошлаган барча компанияларнинг 70 фоиздан



ортиғи ҳозирда “маҳаллий кенгайиш” ва “репликация” босқичида, фақат 3,9 фоиз компанияларгина “оптималлаштириш ва инновация” босқичига етди. Йирик компанияларда тўлиқ рақамлаштиришга эришиш учун камида 10 йил керак бўлади.

### **Хулоса**

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида е-тижоратнинг ривожланганлик даражаси юқори бўлиб, иқтисодиётда айнан савдо платформаларидан В2С (business-to-consumer), В2В (business-to-business) форматида амалга ошириладиган онлайн савдо фаолиятларини йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараён бир қанча афзалликларга эга бўлиб, уларни қўйидагича эътироф этиш мумкин:

Биринчидан, е-тижорат савдо платформаларида В2С (business-to-consumer), В2В (business-to-business) форматидаги контрагент алоқаларни амалга оширилиши натижасида транзакцион харажатларнинг олдини олишга, вақт ва макон омили таъсирини кескин камайтиришга, харидорлар платформасини мустаҳкамлашга, маркетинг ва реклама харажатларини оптималлаштиришга эришиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, е-тижорат савдо платформасининг саноат компанияларини рақамлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, корпоратив қарорларни қабул қилишда маълумотлар базасини шакллантиришга олиб келади. Шакллантирилган маълумотлар базаси келгусида умумий савдо трендларини белгилашда, бозорда талаб ва таклиф мувозанатини прогнозлаштиришда, доимий равишда транзакцион харажат моддаларини оптималлаштиришда, харидорлар сегментациясини доимий равишда таҳлил қилишда, рақобат бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, саноат компанияларини рақамлаштиришда е-тижорат савдо платформасидан фойдаланиш электрон шартномалардан фойдаланишни тақозо этади. Саноат компанияларида ва уларнинг кооперацияси жараёнида электрон шартномалардан фойдаланиш орқали қатор юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Мазкур имкониятлардан фойдаланиш орқали шартнома шартларини ўз вақтида бажарилиши назорати дебитор ва кредитор қарздорликни мониторинг қилиб бориш, умидсиз қарздорликни олдини олиш, компаниянинг асоссиз равишда пеня ва жарималар тўлаш ҳолатига барҳам бериши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда мамлакатда электрон савдони ривожлантириш, саноат компанияларига ушбу технологияни кенг жалб этиш ва уларнинг кооперацион муносабатларида рақамли технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини чеклаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Уларга мисол сифатида рақамли технологияларни яратиш ва уларни жорий қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини етишмаслиги, худудларни сифатли интернет тармоғи билан таъминланмаганлигини кўрсатиш мумкин. Ушбу муаммоларни бартараф этиш масаласи «Рақамли Ўзбекистон–2030» стратегиясида белгилаб берилган ва мамлакат иқтисодиётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018> (lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сон Фармони. – <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018>

3. Зубарев А.Е. Цифровая экономика как форма проявления закономерностей развития новой экономики / Е.А. Зубарев // Вестник Тихоокеанского государственного университета. – 2017. № 4 (47). – С. 177–181. – [https://elibrary.ru/download/elibrary\\_32463364\\_79996316.pdf](https://elibrary.ru/download/elibrary_32463364_79996316.pdf)

4. Ромашкин Т.В. Цифровая экономика как новая парадигма экономического развития: вызовы, возможности и перспективы / Т.В. Ромашкин // Финансы и кредит. – 2018. № 3 (24). – С. 579–590.

5. [https://ictnews.uz/23/08/2022/digital\\_transformation-uzb/](https://ictnews.uz/23/08/2022/digital_transformation-uzb/)

6. [https://ictnews.uz/23/08/2022/digital\\_transformation-uzb](https://ictnews.uz/23/08/2022/digital_transformation-uzb)

7. Huawei: Sanoat tarmoqlarini raqamlashtirish (kun.uz)

8. <https://www.idc.com/getdoc.jsp?containerId=US48312921>